

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ

8/ 2006

Тошкент – 2006

0

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ

8/ 2006

*Ахборот бюллетени*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти

Тошкент – 2006

**78.342**

**К 96**

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

*Тузувчи*                      *Ҳ.Маматраимова*  
*Муҳаррир*                    *О.Қиличбоев*  
*Матн терувчи*            *З.Жалилова*

Кутубхоначилик дунёси: Ахборот  
бюллетени 8/2006 / Алишер Навоий ном.  
Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи  
Ҳ.Маматраимова; Муҳаррир О.Қиличбоев.-Т.:  
Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси  
нашриёти, 2006.- 32 б.

***КБК 78.342 (5 Ў)***

Ахборот бюллетенининг ушбу сонини методик ишига, коллеж кутубхоналари ва айрим МКТларнинг ўртак оларли ишларига диққатни йўналтирдик, унга олинган «Библиотека» журнали саҳифаларида босилган турли кутубхоналарнинг методика ишини, умуман ҳозирги даврдаги истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш тажрибаси бизнинг кутубхоналаримизда шу йўналишни яхшилашга, йўлга қўйишга ҳамда бевосита бу иш билан шуғулланувчи ходимларга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

**© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2006 й.**

**Несмеянова В.В. Люблю свой кабинет  
//Библиотека.-2005.-№2.-С.81-83.  
Ўз хонамни севаман.**

Ҳеч қачон ҳеч қаерда йўқолмайдиган, фақат йиғилиб бориладиган тажрибадан каттароқ ва яхшироқ бойлик йўқлиги маълум.

Самара вилоят илмий кутубхонаси Борск МКТ негизида ташкил этган «МКТ методик фаолияти қишлоқ кутубхоналари ишида инновацион ўзгаришлар шарти сифатида» ижодий тадбири иштирокчилари ўз тизимига маълум билимлар *багажи* билан қайтдилар.

Бу ҳақида кутубхонанинг етакчи методисти В.В. Несмеянова фикр алмашади. Бу мавзуда турли масалалар - қишлоқ кутубхоначиларнинг малакаларини ошириш, ишда илғор новаторлик тажрибаларидан фойдаланиш, улар фаолиятини маҳаллий ва махсус матбуотда ёритиш масалалари муҳокама қилинди.

Методика кабинетини иши - қишлоқ кутубхоналари учун ижодий лаборатория бўла олиш вазифаларига мувофиқ ҳолда безатилиши методистларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Бизнинг методика кабинетимизга нафақат туман кутубхоначилари, ўқитувчилар, тарбиячилар, талабалар, клуб ходимлари ва китобхонлар келдилар. Масалан, туман маданият уйи методисти О.И.Кириленко яқинда иш ўйини тайёрлаш методикаси бўйича материал йиғишга ёрдам сўраб мурожаат қилди; Талаба С.А.Александрова ихтисосга оид вақтли нашрлар билан қизикди; Подгорненск қишлоқ мактаби директори муовини Т.И.Сачук мактаб юбилейига сценарий материалини кўриш учун келди ва ҳ.к. Ишларимиз кимгадир кераклигидан хурсандмиз.

Маданият департаменти ҳомийлиги ва кутубхона директорининг раҳбарлигида методика бўлими учун компьютер олинди ва унинг ёрдамида кўп ишлар қилинди.

Биринчи навбатда безак ишлари. «Методист бурчаги», «Методист бўлиш санъати», «Сен методистсан, демак бу...» плакатлари, таклиф ва мулоҳазалар дафтари, «Муваффақият омиллари» ва «Ғояларни аниқ мазмун билан тўлдираамиз» хизматчи картотекалари – булар шу бўлимнинг курулларидир.

«Кутубхоначилик ишлари» витринасида иш учун зарур ахборот билан бирга туманда кутубхоначилик иши тарихи бўйича материаллар жой олган. «Кутубхоначилик ишидаги ўзгаришлар» деб номланган тоқчада альбомлар, Кутубхоналар кунига байрам буклетлари, кутубхона мавзусига ҳазил-мутойибалар ва дам олиш соатларида ўқиш учун адабиётлар жой олган.

Методика кабинетида иш юритиш ва ҳужжатлаштириш ишларига катта аҳамият берилган, деб ёзади В.В.Несмеянова. «Кутубхоначилик ҳамкорлиги» (хатларга жавоб берилган); «Тажриба. Назария. Амалиёт» (кутубхона ходимларининг касбий ва ижодий имкониятларини ошириш бўйича материалларни ёритувчи); «Лойиҳа ёзишни ўрганамиз» (методик маслаҳатлар), «Юрак келажак билан яшайди!» (юбилей саналарига тадбирлар режаси); «Бир-биримиз билан учрашайлик» (сўнги семинардан ахборот); «Газета ишлари қандай ажойиб» (маҳаллий газета билан дўстлик) каби янги папкалар ташкил этилган.

Қатновчиларнинг истакларини ҳисобга олган ҳолда картотекалар ташкил этилди:

- «Меҳмонларнинг вақтини нима билан чоғ қилиш мумкин?» (юбилей, оилавий тантаналар, календарь байрамларини ўтказишга ёрдам берувчи);
- «Методика бўлимнинг фонотекаси»;

• «Ўзимиз сценарий ёзамиз» (Сценарий ёзишни ўрганувчиларга ёрдам);

• Ижодий ғояни кўллаб-қувватлаймиз (қизиқарли янгиликлар – кутубхоналар амалиётига).

Ташриф қилувчилар билан ишлашда уларнинг диққатини янги сарлавҳаларга, реклама мурожаатларига қаратишга ҳаракат қилинади. Мана уларнинг айримлари:

«Ҳурматли ҳамкасабалар! Сизни хаёлий орзулар қийнаётими, янги-янги фикрлар безовта қияётими, чалкаш ғоялар ўйнаётими...

Методика бўлимининг «Ғоялар банки»га қараб кўринг ва балки сизнинг ижодий қийноқларингиз ортда қолиб, фикрлар қатъий тартибга келар, сиз кўлингизга ручка олиб ишга киришасиз.

Сизга муваффақият!

Ҳурматли ҳамкасабалар!

МКТнинг методика бўлимида «Дастхат» кўлёзма китобини яратиш иши бошланган. Бунда Сизнинг ёрдамингиз ҳам керак!

Марҳамат қилиб, саволларимизга жавоб беринг:

- Қандай қилиб Сиз кутубхоначилик касбига кирдингиз?

- Сиз учун кутубхона – бу...

- Ҳамкасабаларингизга нималарни тилаган бўлар эдингиз?

Ўзингиз ҳақингизда маълумот беринг:

Ф.И.Ш.

Лавозимингиз.

Иш стажингиз.

Дастхатингизни қолдиришни унутманг!

Кутубхона тарихида ўз изингни қолдир!»

Бўлимда вақтли нашрларнинг «Вақтли нашрларни varaқлаганда» номли доимий кўргазмаси ташкил этилган ва доимо фойдаланилади. Унда шундай бўлимлар ажратилган:

- Такдимот (касбий вақтли нашрлар оламидаги янги номлар);
- «Библиотека» журнали почтаси;
- Фуршет-ахборот (турли масалалар бўйича газеталар ва журналлар);
- Борск МКТ ихтисосли нашрлар саҳифаларида;
- Бир-биримизга «Байрам» совға қиламиз («Праздник» журнали-кутубхоначига).

«Ретро витрина»-кутубхоначилик иши бўйича адабиётлар кўргазмаси ташкил этилган бўлиб, МКТ кутубхоначиларининг диққатини жалб қилди. Унда қуйидаги саҳифалар бор:

- “Фойдали асар: Самара вилоятининг бош кутубхонаси (Самара вилоят илмий кутубхонаси: шаклланиши ва ривожланиш йиллари)”;
- «Йиллар ва китоблар» (Китоб тарихи);
- «Ҳар доим Сизнинг дўстингиз ва ёрдамчингиз» («Кутубхона» журнали: 1958-2004 йиллар).

Методика бўлимининг бош стенди «Борск МКТ: мунтазам, қизиқарли, долзарб ахборотни тавсия этамиз». Унинг «Методист маслаҳати», «Баҳслашамизми? Муҳокама қиламизми? Ҳикоя қиламиз!» каби бўлимчалари бор.

Кабинетнинг безатилишида турли плакатлар ҳам мавжуд:

- Ҳар қандай кутубхона аввало кутубхоначи билан мавжуд бўлади ва у туфайли\_нурайди» (К.Дерунов);
- Ғоянинг йўқлиги – жамоа бахтсизлигининг кўрсаткичидир» (С.Матлина, кутубхонашунос).

Методика бўлими аввало қишлоқ кутубхоначилари учун ижодий лабораториядир. Уларга ёрдам тариқасида махсус «Муаммоларингиз борми? Биргаликда ҳал қиламиз!», «Маркетинг Сиз учун», «Китоб ва ёшлар: ўқиш обрўсини қандай кўтариш керак?» токчалари безатилган.

Яна методика бўлимида туман кутубхоначилик иши тарихи бўйича материал йиғилиб, системалаштириб борилади. 15 мавзули альбомлар юритилади.

Охирги ғоя – «Кутубхоначилик иш солномаси китоби: воқеалар хроникаси»ни юритиш, бунга келгуси авлод учун алоҳида воқеалар киритилади, деб ўйлайман.

**Золотова С. Карельский марафон: Адреса опыта //Библиотека.-2005.-№10.-С.34-35.**

#### **Карелия марафони**

Петрозаводск шаҳар ўсмир болалар кутубхонаси директори ўринбосари С.Золотова кутубхонанинг методик марказ сифатидаги фаолияти тажрибаси ҳақида ёзади.

Кутубхонада бир йил олдин ташкил этилган ўлкашунослик бўлими Карелиядаги кутубхоналар учун методик марказ бўлиб қолди. Ўлкашунослик фаолиятини ташкил этишга методик ёрдам бериш бўлим ишининг асосий мақсади ва бунинг учун кутубхоналар иш тажрибасини ўрганиш ҳамда умумлаштиришга алоҳида аҳамият берилди.

Бошланган ишнинг жиддийлиги ишни ташкил этишнинг янги усулларини қидириш, ўз фаолиятимизни режалаштириш ва замонавий методикани қўллашни талаб қиларди.

Иш кутубхоначилар учун семинарлар ўтказиш, маслаҳатлар бериш билан олиб борилади.

Карелиянинг кўпгина кутубхоналарида бой ўлкашунослик тажрибаси йиғилган, изланишлар олиб борилади, қадимги халқ байрамлари тўғрисида маълумотлар йиғиб борилади. Бу материалларни умумлаштирган ҳолда биз келувчилар билан тажрибани ўртоқлашамиз.

Ахборот фаолияти ҳозирги кунда Интернетсиз мумкин эмас. Ўсмирлар кутубхонасида албатта ўлкашунос-лик бўлими билан сайт яратилди.

Карелиянинг деярли барча МКТларида жаҳон ахборот майдонидан зарур материални ола олиш имкониятининг мавжудлиги туфайли ҳамкасабаларимиз учун фойдали ва зарур ахборотни тайёрлай бошладик.

Биз яна республикаимиз кутубхоначиларининг методик ишланмалари тўпламини чиқаришни режалаштирдик.

Китоблар ёрдамида ўз новаторлик ғояларимизни амалга жорий этиб, Карелиянинг турли жойларига «Ахборот марафони» билан боришга қарор қилдик.

Ҳар бир туманга йилига 3 ҳафта ажратдик ва уни Ахборот кунлари деб атадик. Бу даврда бўлимда шу ҳудудга бағишланган кичикроқ кўргазма бўлади.

Кўргазмага туман ҳаёти ва фаолиятини барчага тўлиқ ёритиб бера оладиган ташкилот ёки алоҳида шахсни таклиф қиламиз. У шахс Киж ҳақида, «Водлозерск» Миллий боғи тўғрисидаги фотосуратлар коллекциясини кўрсатиб бериши мумкин. Ёки алоҳида маҳаллий ёзувчини таклиф қилиб, у билан ижодий кеча ўтказиш, шу жой билан мавзу бўйича боғлиқ асарининг тақдимотини ўтказиш мумкин.

Ахборот куни дастури аслида ҳеч бир тайёргарликсиз тузилди, кутубхоначиларга Ахборот кунини ташкил этишга ёрдам бериб, чиройли шоирона ном ва адабиётлар рўйхатини юборишни, тадбирнинг тайёр сценарийсини тақдим этишни ёки бошқа ўз вариантини айтишни таклиф қилдик.

Марафоннинг олти ойи ўтди. Биз ҳамфикрларни–ўқитувчилар, экологлар, албатта ҳамкасабаларимизнинг кўллаб-қувватлаганликларини сездик.

Ҳозирги кунда марафон папкасида Карелиянинг турли чеккаларидан олинган юзга яқин сценарий йиғилди.

Методик тўпламга бу материаллар ичидан танлаб олиш қийин бўлди. МКТлар ёрдами турлича бўлди – кўргазма учун тайёр безатилган номни, қишлоқлар тарихи бўйича болаларнинг тадқиқот ишларини, сценарийлар, дастурлар, расмлар, қўлда тайёрланган буюмларни юбордилар.

Ва ниҳоят, Поморьедаги ҳамкасабаларимиздан Беломорск тумани тақдимотини келиб ўтказиб бериш таклифи ҳам тушди.

Марафонимиз номи ҳам пайдо бўлди – у «Карелия бўйлаб» деб аталди. Ажойиб, рангли альбом ҳам шундай номланди. Бизнинг ўйлаган ишимиз Карелияни сеувчилар калбида гўзаллик, саховат олиб келади, деб умид қиламиз.

**Изотов С. А у нас кипит работа: Специалисту на заметку //Библиотека.-2005.-№11.-С.66.-70.**

**Бизда иш қайнайди.**

Самара вилояти Приволжск МКТнинг етакчи методисти кутубхона фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Кутубхонада болалар ва ўсмирларни ахлоқий, эстетик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўлка-шунослик ишларини олиб боришда ҳамкорлик зарур эди. Марказий кутубхона (МК), болалар кутубхонаси (БК), йирик шохобчалар мактаблар билан шартнома туздилар.

МК ва БК “Лукоморье” болалар ижодий уйи, “Оила” маркази, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати, мактабгача ёшдаги болалар боғчалари билан ҳамкорликдаги ишлар режаларини туздилар.

Биз ташкилотнинг фаолият йўналиши бўйича адабиётлар танлабгина қолмай, балки уларнинг якка эҳтиёжларини ҳам ҳисобга оламиз. Бунинг натижасида катнов ўсди.

Жамоатчилик билан алоқанинг ривожланиши кутубхоначилик хизмати самарадорлигининг зарур шартидир. Биринчи навбатда муассасамизни оммалаштириш мақсадида кутубхонанинг ўзини тарғиб қилиш учун реклама фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш ишлари йўлга қўйилди. Жумладан, мутахассислар ўз ишлари тўғрисида маҳаллий матбуотда ҳикоя қилиб бердилар. Танишлар, дўстлар, биродарлар билан суҳбатлар ҳам катта ёрдам беради, “ўзиники”лардан янги ахорот олган шахслар янгиликларни олишга шошадилар.

Шохобча-кутубхоналарида обунага маблағ етишмаслиги сабабли ҳуқуқий мавзуда вақтли нашрлар йўқ, шу сабабли, МК бу борада ўз китобхоналарига ёрдам беради. Китобхонларнинг бу мавзудаги талабларини тезкорлик билан бажариш учун тегишли компьютер дастурини сотиб олиш зарурати мавжуд.

Ўз вақтида «Экология. Китоб. Биз. Приволжск МКТнинг аҳолига экологик билим бериш бўйича иши» дастурини ишлаб чиқиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш туман инспекцияси билан келишилди.

Унинг бош мақсади – кутубхоналарнинг аҳолида табиатни сақлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини фаоллаштиришдир. 2004 йилда бу лойиҳа бажариб бўлинди ва янги 2005-2008 йилларга мўлжалланган дастур ишланди. Уни бажариш учун обунага ҳам маблағ ажратилди, 3 йил ичида 82 минг сўм олиб, олинган янги матбуот нашрларидан самарали фойдаланилмоқда.

Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болалар учун «Қизил китоб саҳифаларини варақлаб, дўстим кўп фойдали нарсаларни билиб оласан» маърифий суҳбат ўтказилди.

Болалар учун “Ўрмон уйқудан уйғонди, яна баҳор келди” китоб-расмли кўрғазма ташкил этилди.

Юқори синф ўқувчилари учун «Дўстга ёрдам беришга кечикма» саховат дарси ташкил этилди, унда минтақамизнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига алоҳида эътибор берилди. 2-шоҳобча-кутубхонада Виталий Бланканинг «Лесная газета»си билан ёш китобхонлар экологик диалог-суҳбат шаклида таништирилди, савол-жавоб шаклида суҳбат борди. «Сайёрамиздаги патли қўшнилари» суҳбатидан болалар қушлар дунёси ҳақида кўп қизиқарли маълумотларни олдилар.

«Қасблар олами» экологик репортажидан болалар ўрмончилар, балиқчилар ва овчилар, энтомологлар ва ихтиологлар билан танишдилар. Ўйигит ва қизлар бу мутахассисларнинг қайсилари туманимизда зарур ва қаерда у мутахассисликни эгаллаш мумкинлигини билиб олдилар.

Кутубхонада маҳаллий жой тарихи ҳақида маълумотлар йиғиб, авайлаб сақланади, мавзули картотека ва досьелар тузилади. Айниқса, шоҳобча кутубхоналарнинг бу йўналишдаги ишлари диққатга сазовор. Новоозерецк шоҳобчаси кутубхоначилари клуб ходимлари билан биргаликда ёшлар учун «Туғилиб ўсган ўлка, қадимий ўлка» адабий соат ўтказдилар. Самара губернияси, Приволжск тумани, Нижегородск қишлоғи тарихи ҳақида ҳикоялар тингланди, кутубхонада йиғилган архив материалларидан фойдаланилди.

МКнинг хизмат кўрсатиш бўлими ёш китобхонлар учун «Приволжск ўлка менинг» лекторийсини ташкил этди. Ўлкашунослик кичик-музей стендлари ва кутубхоначиларнинг саъй-ҳаракатлари билан болалар кичик ватан тарихини яна эски фотосуратлар билан ҳам танишган ҳолда билиб олдилар.

МК, БК, шоҳобча кутубхоналарида «Самаринларнинг қадимий авлоди», «Приволжье қишлоғи солномаси», «...Қишлоқ тарихи», «Машҳур ҳамюртларимиз», «Приволжьеликлар уруш йилларида», «Юзйиллик. Йиллар.

Такдирлар” ва бошқа мавзуларда альбомлар ва мавзули папкалар расмийлаштирилган.

МК Приволжье қишлоғидаги 2-сонли ўрта мактабнинг ўлкашунослик тўғараги билан фаол ҳамкорлик қилади. МК қошидаги билимдонларнинг «Эврика» клуби машғулотлари ўлкашунослик заковат ўйинларидан ташкил топган.

МКда кичик ўлкашунослик музейи, БКда тарихий ўлкашунослик бурчаги мавжуд, шундай бурчаклар шохобчаларда ҳам мавжуд.

2004 йилда “Музей ташкил этиш” ўлкашунослик акциясини ўтказиш учун лойиҳа ишланди. Лойиҳа вилоят, туман маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда Самара вилояти губернаторининг гранти белгиланди ва у амалга оширилмоқда.

Маънавий ва ахлоқий тарбия мавзуси ҳам кутубхоначилар диққат марказида туради.

МКда мини-лекторий бўлиб, унда “Кирилл ва мефодия мероси” мавзусида славян алифбоси ва саводхонлиги тарихи тўғрисида маълумотлар билан ёшлар таништириб борилади.

Шохобча-кутубхоналарда китоб кўргазмалари, маърифий ўйинлар, суҳбатлар ўтказилади.

Кутубхоналарда ёшларни ҳаётга тайёрлаш масалалари: дастурхон безатиш, каштачилик, дурадгорлик, гулчилик масалалари бўйича журналларда босилган мақолаларни тўплаб, улар билан ёш китобхонларни таништириб борадилар, кўргазмаларда бу журналлар материаллари мавзули намойиш қилинади.

Масалан, “Кўлинг ишда – кўнглинг қувончда”, “Журнални варақла – ширинлик ликопчада”, “Крестьянка”-ни очсанг - ип билан расм чизасан” ва ҳ.к. мавзулардаги кўргазмалар яхши натижа беради.

Кутубхоналар XXI аср бошида жиддий тус олган гиёҳвандлик каби глобал муаммони ҳал этишда четда

турмайди. Китоблар ва вақтли нашрлар ёрдамида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса ёшларга зарарли одатлардан ўзни тийиш зарурлигини тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Новоспасск шохобчасида «Биз ҳаётни танлаймиз» деб номланган очиқ суд жараёни бўлиб ўтди. Унда айбдорлар Бепарво табиб, Суяк оёқ, Саёқ одам; жабрланувчилар эса Муҳаббат, Болалик, Ҳаёт. Ёшлар иштирокида СПИД тўғрисидаги “иш” кўрилди, газеталар, журналлар кўрилди, хулосалар қилинди.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси шу шохобчада “Олимпия мамлакатига саёҳат” маърифий дарсини ўтказди.

Кутубхоначилар “Олимпия ўйинлари: кеча, бугун, эртага” китоб-расмли кўргазма ташкил этдилар. “Олимпиада тўғрисида нималарни биласиз?” адабий викторина ҳам ўтказилди.

Унга яқин жойда даҳшатли “Ихтиёрий жиннилик” огоҳлантирувчи кўргазмаси ташкил этилди. Унда «Ҳалокат сари қадам-бақадам», “Ҳар ким ўзи учун танлайди: сигарета дугонани ёки...”, “НаркоАзбука” каби бўлимлар бор.

Бошқа шохобчаларда ҳам бу мавзу муҳим бўлиб, КВН, викториналар, библиостендлар, экспресс-маслаҳатлар, одоб дарслари, профилактика курслари каби тадбирлар “Оила” маркази билан узвий алоқада ўтказилади. Бу ишлар асосан ёшлар билан, аммо нафақахўрлар учун кундузги пансионатда ҳам бу гуруҳ учун савол-жавоблар, кўргазмалар, уларга мос мавзуларда суҳбатлар ташкил этилади.

Марказий кутубхонада видеосалон деб аталган иш шакли юзага келган, “ХИ-ХХ аср рус мусаввирлари” мультимедиа энциклопедиясидан фойдаланиб, кутубхоначилар “Расмлар галереясига саёҳат” тақдимномасини ташкил этдилар. Видеотомоша альбомлардан репродукцияларнинг намойиши, мусаввирлар ҳаёти ва ижод йўли ҳақидаги ҳикоялар билан тўлдирилди.

Кутубхона ходимлари илгари сурган дам олишга ёрдам берувчи ҳар қандай ташаббуснинг мақсади, у танлов ёки кўнгил очиш дастури, ё кеча бўладими тўғридан-тўғри китоб билан боғланган бўлсин, китобхонни босма сўзга мурожаат қилишга “мажбур этсин”.

“Қўшиқсиз оламнинг қизиғи йўқ” мусикий матбуот-ҳадя тадбири “Ровесник” журнали саҳифаларида босилган гуруҳлар ва ижрочилар ҳақидаги мақолаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ўтказилади.

Қарияларнинг “Ҳали оқшом кирмади” клуби библиотерапия сеансларига ўхшаш йиғилишлар ўтказилади, унда азият чеккан кекса қалбларни муваффақият билан даволаш мумкин. Клуб йиғилиши ойда 2 марта ўтказилиб, рангбаранг мавзуларда бўлади. Унда яна мусиқа тингланади, албатта босма матбуот - ё китоб, ёки журнал ва газета мақолалари бўлади.

“Эврика” ёшлар бирлашмаси 18 ёшга тўлди. Унинг раҳбарлигида 3 марта туман заковат марафони ўтказилди.

Бу кутубхоначилар олиб бораётган ишларнинг ҳаммаси эмас. Ҳаётнинг энг қийин дамларида, энг қийин ҳоллардан, вазиятлардан чиқиб кетишда кутубхоначилар ҳамқишлоқларга ишончли дўст ва маслаҳатчи бўлмоқдалар.

**Шевелева И. Когда и вдвоем не справиться //Библиотека.-2005.-№12.-С.54-55.**

**Икки киши уддалай олмаганда.**

Яхши кутубхоначи зерикмайди. Китобхонларга хизмат кўрсатиш, оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш билан бирга яна ташқаридан “кўринмайдиган” қанча ички ишлар борки, вақти келиб, шунча ишни икки ходим бажара оладими, деб умидсизликка тушасан. Кичик шаҳар ва қишлоқ кутубхона-шоҳобчаси учун “андозали” кутубхона мудири ва кутубхоначи ўрни белгиланган.

Шарқий сибирлик ҳамкасблар бу ҳолатдан чиқишнинг новаторлик йўлини топдилар.

Ханти-Мансийск автоном округи Советск шаҳар 14-шоҳобча кутубхонаси мудир Ирина Шевелева бу ҳақида ёзади.

Бу шоҳобча ёш шаҳарчанинг бир кичик туманига хизмат кўрсатади. Кутубхона фонди 16 минг, 1000 дан ортиқ китобхони бор, кунига 40 дан ортиқ одам келади. Кутубхона аҳолининг турли тоифаси ўртасида нуфузга эга.

Дизайнерлар маслаҳатидан фойдаланиб, саришта-саранжом шароит яратилган. Бу ерда ҳар бир келувчи бола, нафақахўр ўзини хотиржам ва эркин тутди. Китобхон билан ҳамкорлик, у билан кунлик мулоқотга (китоблар тўғрисида фикр алмашувга) катта эътибор берилди.

Ўз ишимизга кутубхона ҳақида аҳоли ўртасида ижобий фир тарқатишга ёрдам берадиган китобхон фаолларни жалб қиламиз. Хизмат кўрсатиш зонасидаги муассасалар билан узоқ шериклик муносабатлари ўрнатилган. 3 клуб бирлашмалари ташкил этилган ва ишлаб турибди.

Икки йил олдин Ханти-Мантыйск автоном округи губернаторининг грантини олдик ва ахборот, маънавий ва бўш вақтни самарали ташкил этиш, хизмат сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлинди.

Бу йил аслида штатдаги икки ходим ўрнига фақат 1 киши ишлади (навбатдаги меҳнат таътили, диплом олди амалиёти, давлат имтиҳонлари туфайли).

“Малакасиз”ларнинг катта ёрдами билан бу сезилмади.

“Меҳнат ресурслари”дан тўлдириш “манбаи” сифатида фойдаланиш мумкин.

Улардан биринчиси – Аҳолини иш билан таъминлаш марказида рўйхатда турувчи ишсизлар. Уларга ижтимоий химояланмаган қатлам - ногиронлар, кам таъминланганлар

ва кўп болалилар сифатида иш билан таъминлаш дастури бўйича иш берилди.

Бунинг ёмон томони: Кутубхонага кутубхонадан узоқ бўлган, маълумот ва заковат даражаси паст бўлган шахслар юборилар эди. Энг содда ишни бажариш учун ҳам кўп вақт ва куч сарфлашга тўғри келар эди. 12 ёшли ёрдамчимиз Мамин-Сибирякнинг эртакларини топиб чиқиш учун фондга кириб кетиб, узоқ қидиришлардан кейин чиқиб, кутубхоначидан “Мамин-Сибирякни ким ёзган?” деб сўраганини, сўнг Мамин-Сибиряк рус ёзувчиси бўлганлиги, у кўп асарлар, шу жумладан болалар учун эртаklar ёзганлиги унга тушунтирилгач ҳам, яна кўп вақт ўтгач, фонддан китобни топа олмай чиқиб, юқоридаги саволини такрорлаганини эслайдилар.

Ижобий томонлари: Кутубхонага адабиётни яхши билган ҳақиқий билимдонлар келиши ҳам бўлган. Бундай ёрдамчилардан тез орада “ўз” китобхоналари пайдо бўлган. Аммо, афсуски, уларнинг меҳнатига ишга йўллаган ташкилот ҳақ тўлаши керак. Кутубхонада бундай маблағ йўқлиги туфайли улардан воз кечдик, деб ёзади И.Шевелева.

Ёрдамчиларнинг иккинчи гуруҳи – ўсмирлар, “Шанс” ёшларни ижтимоий ва меҳнатга мослаштириш маркази аъзолари. 3 йил давомида бир неча қиз-йигитлар ўзларини кичик кутубхоначи ролида синаб кўрдилар.

Ҳар қандай касб маълум кўникмани талаб қилади. Болаларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг иш хусусиятимизга кўникавермади, баъзан китобхон билан мулоқотда уятчанлик, эркин эмаслиги халақит берарди. Фонд ва каталог билан майда иш ҳолдан тойдириб, бир ой ишлагач улар кетиб қоладилар.

Ижобий томонлари: Бу “халқ” биз вақт ажрата олмайдиган майда, қолиб ётган ишларни ҳам бажарарди. Ўтган ёзда қизлар кўпгина тўзиган адабиётларни таъмир-

ладилар, газета ва журналларни боғламга тикдилар, китоб токчаларини тартибга келтирдилар. Уларнинг ёрдами билан эски адабиётлар ҳисобдан чиқарилди, ёрдамчилар маълумотларни компьютерга киритиб, каталог билан таққосладилар.

Бу ҳамкорлик кутубхонага ҳам, болалар учун ҳам фойдали. Болалар пул ишлаш ва улар турли ёшдаги кишилар билан умумий тил топа оладиган, уларнинг кераклигини тушуниш имконига эга бўладилар. Бир вақтнинг ўзида билим даражаси ҳам кўтарила боради. Улар компьютерда ишлашни, фондни билишни, ҳар бир фойдаланувчининг сўроғини бажаришни, ёш модапарастга журналдаги янги моделларни қидириб топишни ва ҳар қандай соҳа мутахассиси учун жиддий справкани бажаришни ўрганади.

Камчилик томони: Марказнинг молиявий имконияти тугайди ва ёрдамчилар кетиб қоладилар.

3-нчи ёрдамчилар – фаол ўқувчилар. Бу ёзда кутубхона қошида “Ўқиётган команда” тузилди. Клубимизга аъзо бўлган болалар китоб билан танишиб, саволларга жавоб бера бориб, кутубхона тадбирларида қатнашиб балл йиғдилар.

Ҳар куни болалар кутубхонада учрашиб, овоз чиқариб ўқийдилар, эртақлар тўқийдилар, турли танловлар ва савол-жавобларда иштирок этадилар, музей, ўрмон, кўлларга саёҳатга чиқадилар. Ҳамда кутубхоначиларга ҳам ёрдам берадилар.

Ижобий томонлари: Болалар китобхоналарга қўнғироқ қилиб, қарздорлиги эслатилади, қарздорларнинг уйларига бориб, китоб қайтариш тўғрисидаги эслатмани унга бериб, 10 балл олдилар, агар муддати ўтиб кетган нашрни олиб қайтсалар – 20 балл ишлайдилар. Яна китобларни таъмирлайдилар, кутубхона атрофини ободонлаштиришга ёрдам берадилар. Ёзги таътил охирида якун қилинди: ўқилган китобларнинг сони, ёрдами бўйича пешқадамлар аниқ-

ланди: Қилинган меҳнатлар, албатта, тақдирланди. Кутубхона кўрсатадиган пуллик хизматлар ҳисобига болалар катта бўлмасда пулли мукофотлар олдилар. “Ўқиётган команда” аъзолари эса 1 ой мобайнида кутубхонадан болалар кассеталари ва дискларини бепул олиш имконига эга бўлдилар.

Бу гуруҳ аъзолари асосан кўнгилчилардан иборат, уларга бўш вақтини кутубхонада қизиқарли ишни қилиб ўтказиш ёқади.

Кутубхонанинг энг яхши ёрдамчиси – аввало китобхон бўлиши зарур.

Биз бу ёрдамчиларсиз ишимизни бундан буён тасаввур қила олмаймиз.

**Горячкина Н. Мы тоже педагоги: Подготовка специалистов //Библиотека.-2005.-№8.-С.26.**

**Биз ҳам педагоглармиз.**

Ўқув юртларида тарбия ишлари фақат ўқитувчилар таркиби зиммасига юклатилган, десак нотўғри бўларди. Ўқув жараёни ва талаба шахсининг мутахассис сифатида шаклланишида ихтисослашган кутубхона катта роль ўйнайди ва ўқув жараёнини усиз юритиш мумкин эмас. Самара вилояти Новокуйбишев шаҳридаги тиббиёт кутубхонаси мудирини Нина Горячкина бу кутубхонада ҳозирда иш жараёнининг ташкил қилиниши ва олиб борилиши тажрибаси ҳақида ёзади.

Тиббиёт коллежи кутубхонаси билан танишув талабалар справка-библиографик аппарат, китоб фонди, адабиётлар кўргазмалари билан танишадиган дарсдан бошланади. Кутубхонада фанлар бўйича ўқув ва вақтли нашрлардан иборат махсус фондлар яратилган. Фондда мавжуд адабиётлар ҳақида ахборот берувчи алифбо ва системали каталоглар, бу каталогларга алифбо-предмет

кўрсаткичи; «Ўқув жараёнига ёрдам»; «Тарбиявий жараёнга ёрдам», «Мақолаларнинг мавзули картотекаси» каби турли картотекалар мавжуд.

Фондда яна ўқитувчиларнинг талабаларга машғулотларга тайёрланишда ёрдам берувчи босма методик қўлланмалари ҳам бор.

Кутубхона коллежнинг тарбиявий вазифаларини амалга оширади. Шу мақсадда шаҳарнинг ажойиб кишилари – маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари, рухонийлар билан учрашувлар ташкил этилади. Одатда бундай учрашувлар қандайдир муҳим санага: Ғалаба кунига, Оналар кунига, Тиббиёт ходимлари кунига, Ўқитувчилар кунига тўғриланади.

Касб танлаш бўйича иш дарсдан ташқари коллежда ва коллеждан ташқарида шаҳарнинг даволаш муассасаларида, нафақахўрликни таъминлаш марказида, мактабларда ўтказиладиган оммавий тадбирларда олиб борилади. Конференциялар ва синфдан ташқари тадбирларга ихтисослашган мактаблар ўқувчилари ва ўрта мактаб битирувчилари таклиф қилинади.

Китобхонлар қизиқиши талабалар билан суҳбатда ва уларнинг коллежга ўрганиш масалалари бўйича сўровномалар натижалари асосида ўрганилади.

Кутубхона янги тиббиёт ва педагогик адабиёт намоёиш қилинган китоб кўргазмаларини мунтазам ташкил этиб боради.

«Замонавий педагогик технологиялар» психологик-педагогик семинарларида ва синф раҳбарларининг методик бирлашмалари йиғилишларида янги вақтли матбуот обзорлари ўтказилади.

Талабаларнинг муваффақияти кўп ҳолларда уларнинг китоб билан ишлашни билишига боғлиқ. Билим олиш нафақат ўқитувчи ёрдамида, балки мустақил ҳам бўлади. Бу

аввало турли адабиёт манбаларидан фойдаланишга тааллуқлидир.

Афсуски, кўпчилик дарсликдан унумли фойдаланишни билмайди. Ўқувчиларга ёрдам бериш учун «Талабалар учун китоб билан мустақил ишлаш бўйича тавсиялар» ишланди. Бу катта ёрдам берди.

Ўқув ва тарбиявий ишлар талабанинг аудиториядан ташқари тадбирларга тайёргарлик ва унда иштирок этиш бўйича қизиқишларига боғлиқдир. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай тадбирларда маълумоти, тайёргарлиги, билими, кўникмаси ва маданий даражаси турли бўлган талабалар қатнашади. Бундай тадбирлар шахсинг ва соғлиқни сақлашнинг ўрта бўғини учун тайёрланадиган келгуси мутахассис психологиясининг шаклланишида катта маънавий имкониятга ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Кутубхона негизда видеотека ташкил этилган, у дарсларни ва синфдан ташқари тадбирларни тайёрлашда фаол фойдаланилади.

Кутубхона нафақат талабалар учун, балки малака ошириш бўлими тингловчилари учун ҳам ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

**Сохраняя традиции, искать новое /Дмитриева Р.А. О методистах замолвите слово //Библиотека.-2006.-№2.-С.6-7.**

**Методистлар ҳақида бир оғиз сўз айтинг.**

Розалия Ахатовна Дмитриева Бошқирдистон Республикаси Татишлинск туман МКТда катта методист лавозимида ишлайди, у кутубхонанинг методика-библиография бўлими фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Кутубхоначилик касби ўта мураккаб касб бўлиб, турли-туман илмий масалалар: кутубхоначилик назарияси,

методикаси ва амалиёти масалаларини мустақил ҳал қилишга тўғри келади.

Методист хонасини ижодий лаборатория деб айтиш ўринли. Масалан, Татишлинск МКТнинг бу бўлимига туман кутубхоначиларигина эмас, яна ўқитувчилар, тарбиячилар, клуб ходимлари, талабалар, турли хизматлар вакиллари ва китобхонлар келадилар. Келувчилар эътиборига китоб кўргазмаси, хизматчи картотекалар, турли мавзулар – ҳатто тўй мавзуларига ҳам тузилган сценарийлар йиғилган мавзули папкалар билан ташкил этилган «Методист бурчаги» тақдим қилинади. МТК методистлари «Жонажон Татишли: тарихнинг муҳим даврлари» мавзусида 2 қисмли альбом яратдилар, унга туманда кутубхоначилик иши ривожланиши бўйича катта ахборот йиғилган.

МКТ иш тажрибасини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келдик: агар шохобча-кутубхоначилари ходимлари аниқ йўналишни ишлаб чиқиш билан шуғуллансалар, уларнинг фаолияти турли-туман ва янада қизиқарлироқ бўлади. Чунончи, кутубхона-марказлари белгиланди, масалан: Аксантов қишлоқ шохобчаси-ўлкашунослик фаолияти маркази, Белашев қишлоқ шохобчаси – болалар билан ишлаш маркази ва ҳ.к.

Тақдимот – Татишлинск МКТ методистлари фаолиятининг янги туридир. Маҳаллий муаллифларнинг яқинда янги чиққан китобларининг тақдимоти жуда ҳам жонли чиқди.

Бўлимда пуллик хизмат ҳам кўрсатилади. Фойдаланувчиларнинг қизиқиш эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, методистлар ишлаган, компьютерда ишлов берилган ва сотувга қўйилган сценарийлар мазмуни билангина эмас, балки рангли безатилиши билан ҳам диққатни тортади. Мана, айрим мавзулар:

- Ақллилар ва оқилалар (экологик ўйин);
- Робинзон оролида;

- Ўтлар ва гулларда шифобахш куч бор... (хангома-ўтириш кечаси);

- Туманнинг 70-йиллигига бағишланган адабий-музыкали композиция.

Бу ва шунга ўхшаш сценарийлар кейинги вақтларда анча муваффақият қозонмоқда. Методика хонаси хужжат-шунослик ва иш юритишга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

2000 йилгача МКТнинг методика фаолияти анъанавий тарзда ривожланиб, малака ошириш курслари, маърузалар, тажриба алмашиш, кўргазмали тадбирларни ўз ичига олган.

Кутубхона директори мутахассислар олдида дастурли фаолият ва янги иш шакллари ўзлаштириш, мақсадли дастурларни яратиш каби кенг режали вазифаларни қўйгач, иш бошқача тус олди. У мақсадли дастурлар қуйидагилар эди:

- Кутубхоналар - соғлом турмуш тарзи учун.
- Жамият. Экология. Кутубхоналар.
- Ўлкам менинг – фахрим менинг!

Туман кутубхоначилиқ ишини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди, буклетлар ва адабиётларнинг тавсия рўйхатлари нашр қилинди:

- Анъаналарни сақлаган ҳолда янгиликлар излаймиз;
- Китобсиз жаҳонда яшаб бўлмайди;
- Ўзинг ва олам билан уйғунликда.

Методистлар ҳаётида танловлар ва кўрикларда ғалабалар муҳимдир. «Бошқирдистон чакмоқ рангдор тошлари», «Ассалом XXI аср», «Олтин ўтов», халқ оғзаки ижоди фестивалларида; Республика «Йилнинг энг яхши кутубхоначиси» танловида қатнашиш бўлим ходимларининг фаолият доирасига киради.

«Артемида», «Сударушка», «Илҳом» клубларида оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича катта тажриба йиғил-

ган: 2004 йил бошида ТМК методистлари «Артемида» клуби қошида «Надежда» («Ишонч») танглик марказини туздилар.

Унинг мақсади – аёлларнинг ижтимоий ва фуқаролик ҳуқуқларини ахборотли ва маслаҳатли қўллаб-қувватлашдир.

Марказнинг вазифалари қуйидагилардир:

- туман аёлларини ҳамжамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига фаол киришга ёрдам бериш;
- аҳолининг тендер ўқитилиши;
- туман ташаббускор аёллари билан алоқа;
- минтақанинг энг кам ҳимояланган аҳоли қатламини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Методика хонасининг энг қимматли бойлиги – ўз мураккаб ишига содиқ, унга ўзининг ижодий ҳиссасини қўшаётган одамларидир. Уларнинг ҳаммаси ўз ишининг устаси, катта иш стажига эга бўлган, ўзидан яхши из қолдиришни истаган ва ўз ҳамкасбларини янги ғоя ва ижодкорлиги билан лол қолдираётган мутахассислардир.

**Кустова Н., Корзина А. Создаем медиатеку //Библиотека.-2006.-№3.-С.33-35.**

**Медиатека яратамиз.**

Москва шаҳридаги 33-Озиқ-овқат коллежи кутубхонаси ходимлари кутубхона фаолияти ҳақида ёзадилар.

Ҳар қандай жамиятда инсоннинг маънавий ҳаётида китоб ҳақиқатан катта аҳамиятга эга. У тенгсиз оқиллик манбаи, ноёб туйғуларни тарбиялаш, юқори орзулар омили, инсон характери, унинг эътиқодини шакллантиришнинг манбаси сифатида хизмат қилади. Афсуски, бизнинг телевидение, компьютерлаштириш асримизда китобга қизиқиш билимни тарқатишнинг етакчи позициясини бўшатиб бергандек туюлмоқда. Ёш авлодда ўқишга қизиқиш сўниб

бормоқда. Шу сабабли ҳозирги босқичда кутубхоначи олдида «китоб-китобхон» мураккаб ва ривожланиб борувчи тизимни ўрганиш ва самарасини оширишдек муҳим вазифа турибди. Кутубхоналарнинг мақсади – китобга қизиқишни қайтариш, китоб ўрнига эмас, балки унга қўшимча равишда ҳаётга ХХІ аср техник ажойиботлари кирсин учун ҳозирги кун ва келажак ўртасида алоқани ўрнатишдир. Кутубхоналарни компьютерлаштириш – ушбу вазифани ҳал этишнинг бир йўлидир.

33-Озиқ-овқат коллежи кутубхонаси 1938 йилдан буён мавжуд ва таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади. Талаба ўқитувчи берган зарур ахборот билан чекланиб қолмай, ўзи китоб билан ишлаши, турли манбалардан ихтисосига оид маълумотларни олиш учун кутубхонага мурожаат қилиши лозим. Таҷрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчи кўп вақтини қанчалик кутубхонада ўтказса, у ўз фикрини шунчалик мантиқан баён қила олади, яхши ўқийди. Ўқув-тарбиявий жараёни ахборот ресурслари билан таъминлаш билан бирга, кутубхона маданий-тарбиявий ва маърифий ишларни олиб боради, ўқитувчиларга ёрдам беради, фанлар бўйича янги келган адабиётлар ва вақтли нашрлар тўғрисида яқка ахборот билан таъминлаш ишини олиб боради, талабларга мувофиқ материаллар йиғиб беради.

Кутубхонанинг фонди 150 минг нусха ўқув, методик ва бадиий адабиётлардан иборат. Фондда яна 1870 йилларда ва 1 ва 2-жаҳон уруши йилларида чиққан ноёб ва қимматбаҳо нашрлар бор. Фонд озиқ-овқат саноати ихтисосликларига мувофиқ ҳолда тўлдирилади. Умумтаълим ва ихтисослик фанларининг таъминланиши 98 фоизни ташкил этади, ҳар йили 84 вақтли нашрга обуна бўлинади, ундан 12 номдагиси озиқ-овқат саноати бўйича.

1997 йилда янги технологияларни ўзлаштириш ва кутубхона-ахборот жараёнларини компьютерлаштириш

бошланди, замонавий дастур олинди, 3 автоматлашган ишчи ўрни яратилди. Барча компьютерлар маҳаллий тармоққа уланган, фонд бирлигига электрон каталог (ЭК) маълумотлар базаси тузилди.

ЭК яратиш технологияси адабиётларга ишлов беришда:

- энг охирги олинган адабиётдан ретроспектив нашрларгача инвентар китоблари;

- биринчи ва иккинчи курслар ўқув фанлари (талабаларга компьютер орқали хизмат кўрсатиш айнан шу курслардан бошланди);

- китобхон формулярлари

билан мувофиқ ҳолда олиб борилди.

Яна адабиётларни компьютерда бериш жараёнида ЭКни тўғрилаш ишлари ҳам бажарилди.

Кейинги босқич – китобларни электрон воситалар ёрдамида беришни ўзлаштиришдир. Ҳозирда “Обуна”, “Вақтли матбуот”, “Тўлдириш”, “Мақолалар” каталоглари амалда фойдаланилмоқда. Инвентар китобини, кичик рисоалар фондини ташкил этиш ва ҳисобга олиш жараёни ҳам компьютерлаштирилди.

Ҳозирда асосий ўқув фанлари ва маданий-маърифий мавзулар бўйича маҳаллий маълумотлар базаси ишланмоқда. Маҳаллий базаларда таянч сўзлари бўйича қидириш китобхонлар талабини бажариш сифатини анча оширди.

2005-2007 йилларга мўлжалланган “Пойтахт таълими-4” шаҳар мақсадли дастурига мувофиқ Интернетга уланиш ишлари олиб борилмоқда, тез орада қироатхонада “Интернет-киоск” ишга туширилади, бу китобхонлар талабларини бажариш имкониятларини янада кенгайтиради.

Медиатека тузиш ишлари бошланган. Медиатека замонавий ахборот манбаларининг барча турларини:

- қоғозли ресурсларни (китоблар, каталоглар, вақтли нашрларни, библиографик справочниклар ва бошқалар);

- CD даги ресурслар (энциклопедиялар, матнлар, электрон каталоглар ва бошқалар);

- аппарат воситаларидаги ресурслар (компьютерлар, видеокамералар, фотоаппаратлар ва бошқалар)ни

ҳ а м м а ф о й д а л а н а о л а д и г а н қ и л а д и.

Медиатека хизмати:

- электрон каталогдан библиографик справкалар олиш;

- зарур адабиётни, медиавоситалар (видео, аудио, CD-ROM, DVD)лар, ўқув мақсадидаги Интернет-ресурсларини кўриш, баҳолаш ва танлаш;

- ўқув-тарбиявий ишлар мақсадида шахсий (ўз) тақдимотини ўтказиш

и м к о н и н и б е р а д и.

Шу сабабли аудиокассеталар, видеонашрлар турли ўлчамдаги компакт-дисклар олина бошланди. Ҳозирча у 3 йўналишда олиб борилмоқда:

- “Улуғ Ватан урушида Ғалабанинг 60 йиллиги”;

- “Москваликлар яшаган экан...”;

- “Мутахассис-ошпаз”.

Ҳозирги асосий вазифа барча чиқарилаётган мультимедиа маҳсулотлари оқимидан медиатека фондининг ядросини ташкил этадиган ва унинг фаолияти сифатини оширадиганларини танлаб олишдир.

Шундай қилиб, янги технологияни қўллаш:

- китобхонларнинг китобга қизиқишини ўсишига, уларнинг талабларини янада тўғри йўллар билан бажариш, адабиётларни қидиришни соддалаштириш (китобхон ЭКнинг қидириш белгиларидан мустақил фойдаланиб, зарур адабиётни танлай олади);

- кутубхоначиларнинг малака даражаси ва обрўсини кўтаришга;

- кутубхоначиларни сермашаққат ишдан холи бўлишга

и м к о н б е р д и.

Бирок, фондимизни тўлдиришда муаммолар кўп, кутубхонамизга ҳозирги замон ёзувчиларининг асарлари 10 йилдан буён олинмади. 2005 йилда 5232 нусха китоб олинган бўлса, унинг 16 фоизигина ўқув дастури бўйича бадиий адабиётдир.

Бирок, жамоамиз кутубхонани замонавий, шинам бўлиши учун барча ҳаракатларни қилмоқда.

**“Кутубхоналар ва ахборот ресурслари ҳозирги жаҳон фани, маданияти, таълим ва бизнесда” 13-Халқаро конференцияси ҳақида ахборот**

Украинанинг Қрим Автоном Республикаси Судак шаҳрида 2006 йил 10-18 июнь кунлари бўлиб ўтган Халқаро конференция ишида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари И.З.Маминова қатнашди. Ушбу анъанавий конференциянинг бу йилги мавзуси “Ахборотдан – билим сари: кутубхоналар, университетлар ва китоб бозорининг роли» деб номланган. Конференцияга жаҳоннинг 35 давлатидан 1500 дан ортиқ иштирокчи қатнашган.

Конференция ўз ишини 15 шўъбада, 5 махсус тадбирлар (кутубхоналар куни, нашриёт компаниялари ва уйлари куни), 10 семинар, 9 давра суҳбатлари, 4 ҳар йиллик конференциялари, 4 махсус тақдимномалар, ундан ташқари кўргазмаларда 12 тақдимномалар ўтказиш билан олиб борди. Барча шўъбалар иши ва семинарлар қизиқарли бўлди. “Электрон ахборот, электрон кутубхоналар ва Интернет” шўъбасида маърузалар ва ахборотлар сони кўплигидан ташкилотчилар шўъба ишини икки: “Электрон кутубхоналар” ва “Кутубхоналар учун Интернет технология

ва Интернет муҳит” деб номланган қисмларга бўлиб ўтказилди. Конференцияда биринчи марта Чернобиль фалокатининг 20 йиллигига бағишланган экологик форум ташкил этилди.

“Кутубхоналар, муаллифлик ҳуқуқи ва маънавий мулк” шўъбасида мазмунли маърузалар қилинди. “Ахборот бозори ва кутубхоналар фондининг шаклланиши” шўъбаси кутубхоналар ва нашриётларнинг ҳамкорлиги масалаларига бағишланди. Шўъба доирасида электрон маҳсулотларни кўриқлаш, кутубхона фондларини ташкил этиш ва бутлиги, шунингдек ахборот бозори масалалари билан боғлиқ махсус семинарлар бўлиб ўтди.

Конференцияда биринчи марта «Қозоғистон кутубхоналари куни», “Москва кутубхоналари куни”, “Украина кутубхоналари куни” Халқаро тадбирлари катта муваффақият билан ва қизиқарли ўтди.

Конференциянинг ялпи мажлисини конференция ташкилий кўмитаси раиси, ДХИТК директори, техника фанлари доктори Я.Л.Шрайберг “Кутубхоналар, электрон ахборот ва ўзгараётган жамият ахборот асрида” мавзудаги маърузаси билан очиб берди.

Конференция доирасидаги анъанавий “Турк тилли минтақалар кутубхоналари ва музейлари: шериклик ва ҳамкорлик имкониятлари” семинари Симферополь шаҳридаги Қрим республика ўлкашунослик музейининг этнографик филиалида бўлиб ўтди. Ушбу семинарни И.З. Маминава олиб борди ва унинг доирасида Тошкентда “Шарқ” нашриётида 2005 йил нашр қилинган “Исмоил Гаспринский ва Туркистон” китобининг тақдими ҳам ташкил этилди. Китоб қрим-татар халқининг машҳур маърифатчиси ижодий меросини ўрганган Ўзбекистоннинг гасприншунос олимлари асаридир ва уни Гаспринский ватанида катта қизиқиш билан қаралди. Семинар қатнашчилари – Ўзбекистон, Озарбайжон, Россия, Тожикистон,

Қозоғистон, Украина, Германия, АҚШ вакиллари тадбирнинг юқори ахборотлашганлиги ва фойдасини таъкидлаб, яна бир бор турк тилли давлатлар кутубхоналарининг ҳамкорлиги ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш зарурлигини тасдиқладилар.

И.З.Маминова яна “Электрон кутубхоналар: конференциялар ва лойиҳалар”, Ахборот бозори ва кутубхоналар фондларининг ташкил этилиши, Кутубхона-ахборот амалиётида Интернет ва Интернет-технологияларидан фойдаланиш, Автоматлашган ва корпоратив кутубхона тизимлари ва технологиялари шўъбаларида маърузалар тинглаб, семинар ва давра суҳбатларида иштирок этди.

Халқаро конференция ишида қатнашиш кутубхона-ахборот ва таълим технологияларининг ривожланиш доирасида жаҳон кутубхоналари иш тажрибаси билан танишиш, электрон маълумотлар базалари вакиллари, олий таълим ва миллий кутубхоналар мутахассислари билан алоқа ўрнатиш республика электрон ресурсларини яратишдаги тажрибаларини тақдим қилиш имконини берди.

### **Республика вилоят кутубхоналари директорларининг кенгаши**

2006 йил 7-9 июнь кунлари Жиззах вилоятида Республика ва вилоятлар универсал-илмий, болалар ҳамда кўзи ожизлар кутубхоналари иш тажрибасини ўрганиш мақсадида кутубхоналар директорларининг семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғи И.А.Зуфаров, ўринбосари Ғ.А.Нарзуллаев, Жиззах вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Б.Ўтаев ҳамда кутубхона раҳбарлари иштирок этдилар. Кенгашни

Жиззах вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Б. Ўтаев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг дастурда белгиланган маърузалар ва уларнинг муҳокамаси бошланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий-маърифий ва музей ишлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғ.А.Нарзуллаев соҳадаги бугунги аҳволни таҳлил қилди.

Техника фанлари доктори М.А.Раҳматуллаевнинг “Кутубхона ахборот марказлари”, Фарғона вилоят универсал-илмий кутубхонаси директори Д.Шукурованинг “Китобхонларга ахборот-ресурс марказларининг қулайлиги ва имкониятлари”, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти асосий кутубхонаси директори З.Бердиеванинг “Кутубхоначи мутахассисларни тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш масалалари: муаммо ва ечимлар” ва бошқа ўндан ортиқ мавзулардаги чиқишлар семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

“Кутубхона маданият ва ахборот инфратузилмасида” мавзусида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари Жиззах вилоят универсал-илмий кутубхонаси негизида ташкил этилган “Ахборот маркази” фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Семинар иштирокчилари Зомин тумани марказлашган кутубхоналар тизими фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Семинарда кўтарилган ва кўрилган масалалар ҳозирги кутубхоналар фаолиятида ислоҳотларни амалга оширишда мутахассисларга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

## Мундарижа

Несмеянова В.В. Ўз хонамни севаман	3
Золотова С. Карелия марафони	7
Изотов С. Бизда иш қайнайди	9
Шевелева И. Икки киши уддалай олмаганда	14
Горячкина Н. Биз ҳам педагоглармиз	18
Дмитриева Р.Методистлар ҳақида бир оғиз сўз айтинг	20
Кустова Н., Корзина А. Медиатека яратамиз	23
“Кутубхоналар ва ахборот ресурслари ҳозирги жаҳон фани, маданияти, таълим ва бизнесда” 13-Халқаро конференцияси ҳақида ахборот	27
Республика вилоят кутубхоналари директорларининг кенгаши	29

Босишга рухсат этилди 2006 йил “\_\_\_” Сентябрь  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> нашр. т. 2 Адади 300 нусха.  
Буюртма №

---

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида  
чоп этилди